"Investitsion jozibadorlikni oshirishda kadrlarga e'tibor qaratish kerak!"

Муносабат

“ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШДА КАДРЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КЕРАК!”

Абдураззоқ МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Навоий бўлими раиси,
геология-минералогия фанлари доктори

Бугунги кунда Ўзбекистон заминида 70 дан ортиқ турдаги 2000 тадан кўпроқ фойдали қазилма кони мавжуд бўлиб, уларни ўзлаштириш орқали ер ости бойликларининг ортимиз иқтисодий ривожига йўналтирилган самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ортимиз маъдан конлари билан бир қаторда номаъдан фойдали қазилмаларга ҳам жуда бой.

Президентимиз раислигида 27 апрель куни геологияда амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва галдаги вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда охирги уч йилда ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилингани ва шу даврда тармоққа ажратилган маблағлар 3 баробар оширилгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, соҳадаги ускуналарнинг учдан бир қисми янгиланди. 850 тадан зиёд илғор инновацион технология жорий этилди. Натижада қидирилаётган қазилма бойлик турлари 3 тадан 17 тага кўпайди. Руда таркибида аниқланадиган элементлар сони 12 тадан 40 тага етказилди. 2019 йилда Марказий Осиёда илк бор замонавий аэрогеофизик комплекс ишга туширилиб, ер қаърини инновацион усулларда ўрганиш йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги “Қаттиқ фойдали қазилмалар ва конларни геологик ўрганиш мақсадида дастурий истиқболли танланган майдонларни ва фойдали қазилмаларнинг стратегик муҳим турлари саноатини ўзлаштириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, геологик ўрганиш учун хорижий инвестициялар жалб қилинадиган қаттиқ фойдали қазилмалар стратегик муҳим турларининг истиқболли майдонлари рўйхати тузилиб, унга 120 дан ортиқ фойдали қазилма кони киритилган эди. Ушбу рўйхатдаги конларнинг 50 фоизга яқини Навоий вилояти ҳудудида жойлашган. Айниқса, Қизилқум ва Нурота кон майдонлари номаъдан ва маъдан фойдали қазилмаларга бой бўлиб, уларда геологик тадқиқотларни олиб боришда янгича ёндашув талаб этилади.

Навоий вилояти ҳудудида нафақат фойдали қазилма бойликлар, балки техноген чиқинди уюмлари жуп тўпланган бўлиб, уларнинг зарур компонентларини комплекс ўрганишга йўналтирилган геологик тадқиқотларни тизимли ўтказиш натижалари юртимиз иқтисодиёти ривожига қўшимча ҳисса бўлиб қўшилади.

Соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш масаласи муҳокама қилинар экан, давлатимиз раҳбари бунинг учун халқаро стандартларни жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Хорижий мутахассисларни жалб қилиб, геологларни JORC стандартлари бўйича маълумот тайёрлашга ўқитиш механизмини қайд этди. Ўзлаштириш учун тайёр бўлган 20 та конга тажрибали инвесторларни жалб қилиш, бошқа истиқболли майдонлар бўйича сармоявий лойиҳаларни шакллантириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

2019 йилда Навоий вилоятининг эркин иқтисодий ҳудудда айлантирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 ноябрдаги “Қимматбаҳо металларни оптик толали чилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори нафақат хорижлик инвесторларнинг, балки маҳаллий тадбиркорларнинг ҳам Қизилқум ва Нурота маъдан майдонларидаги фойдали қазилма конларига қизиқишини оширмоқда.

Инвесторларни ўйлантирадиган муаммолардан бири шуки, таклиф қилинаётган кўпгина конларнинг башоратланган захиралар экани ёки геология қидирув ишлари охирига етказилган бўлса-да, реал мавжуд захиралар давлат захиралар комиссиясига топширилиб, кон сифатида давлат рўйхатига киритилмаганидир. Бу инвесторлар томонидан қайта геологик тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилади. Инвесторда маблағ бор, лекин унда геологик тадқиқотлар учун на тажрибали мутахассис, на техник имконият мавжуд.

Айни шу масалалар ечимида Геология фанлари университетининг ташкил этилиши айни муддадир. Бу бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Унинг ўқув дастурлари Санкт-Петербург кончилик университети ва бошқа хорижий олий таълим муассасаларининг илғор тажрибаси асосида ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда дунё тажрибасидан келиб чиқиб, кўпгина ҳолларда баъзи номаъдан конларнинг иқтисодий самарадорлиги маъдан конларидан олинадиган фойдадан анча юқорилиги эътироф этилади. Бу ўринда номаъдан бойликларни қазиб олиш, қайта ишлаш, бойитишга кетадиган сарф- харажатларнинг сезиларли даражада камлиги, аксарият ҳолларда номаъдан конларнинг ер юзида ёки ер сатҳига яқин жойлашгани ҳамда улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида табиий ҳолда кўплаш имкониятининг мавжудлиги ҳам муҳимдир. Масалан, бентонит гиллари фармацевтикадан тортиб саноат-овқат саноатигача бўлган 200 дан кўпроқ соҳада табиий ҳолда ёки қисман тозаланган ва бойитилган тарзда ишлатилади. Сарфланадиган харажат эса сотилиш нархининг бор йўғи 25-30 фоизини ташкил этади. Олтин маъданини қазиб олиш ва тайёр маҳсулот ҳолига келтиришгача бўлган харажатлар эса катта маблағ талаб қилиш билан бирга, сотилишига нисбатан таннархи 70-75 фоизни ташкил этади.

Бу борада геологлар учун соҳасининг етук мутахассиси бўлишнинг ўзигина етарли эмас, яъни бошқа тудош соҳалар вакиллари (кончилар, технологлар, геотехнологлар, кимёгарлар, физиклар) иштирокисиз, уларнинг илмий салоҳиятини жалб қилмасдан, бир жамоа бўлмасдан туриб, олдиларига қўйилган вазифаларнинг самарали ечимини топа олмайдилар.

Шу боис, бу олимлар иштирокида соҳага оид ишлаб чиқариш корхоналарининг етук мутахассисларини жалб қилган ҳолда бирлашган илмий жамоаларни кучли илмий салоҳиятга эга бўлган кооперация кўринишидаги гуруҳлар сифатида ташкил этиб, илмий-амалий тадқиқот ва инновацион металойиҳаларни амалга ошириш самарали натижа беради, назаримизда.

Тўғри, Ўздавгеолқўм экспедицияларида геологик тадқиқотлар ўтказиш учун техник имкониятлар ва юқори малакали мутахассислар мавжуд. Лекин улар, биринчи навбатда, ўзларига юклатилган геология қидирувининг давлат дастури доирасида ишлайди. Инвестор буни тушунган ҳолда ўзи танлаган объектда геология қидирув ишларини сифатли ва тезкор олиб бориш имкониятига эга бўлган мукобил корхонани излаб, бошқа бериб кўчага кириб қолади. Бу эса, ўз навбатида, таклиф қилинаётган конларнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу масалани Фанлар академияси Навоий бўлими ҳузурида дивлат-хусусий шериклик асосида ҳамда хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этиш таклиф қилинаётган мобиль геология разведка гуруҳи самарали ечиши мумкин.

Бундан ташқари, бу жараёнда Навоий бўлими томонидан Фанлар академияси тассарруфидаги илмий-тадқиқот институтлари лабораторияларини базаси ҳамда илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан бирга, янгича ёндашув сифатида айни пайтда пенсияга бўлган етук геологлар ҳамда ҳудудлари инвесторларга таклиф қилинаётган конларнинг дастлабки тадқиқотларида иштирок этган кекса олим ва мутахассисларни жалб қилиш орқали вақтинчалик илмий жамоа кўринишидаги юқори салоҳиятга эга гуруҳни тузиш имконияти ҳам яратилади.

Бундай жамоа геология қидирув ишларининг тез, самарали, ишончли олиб борилишига ва инвесторнинг ишончини қозонишга, унинг кўрқмасдан маблағ киритишига хизмат қилади.